

# НОТИПАВИЙ ҚОМАТДАГИ АЕЛЛАР КИЙИМИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ

**Рахмонова Малоҳат Миркомиловна**

*Фаргона Политехника институти ECT кафедраси асистенти*

**Аннотация:** Бугунги кунда ҳомиладор аёлларга кийимларни лойихалаши мухим ва долзарб масалалардан биридир, мазкур тоифадаги аёллар қадди қоматида нисбатан қисқа муддат мобайнида жиiddий ва физиологик ва антропометрик ўзгаришлар кузатилинади, шу сабабли ҳомиладор аёллар кийимида доимий талаб кучли булган. Ушбу мақолада айнан ҳомиладор аёлларнинг кийими модели конструкцияси ва дизайнига рационал конструктив ечимлар ишлаб чиқилган. Ушбу мақолада ҳомиладор аёллар учун кийим конструкциясини ишлаб чиқиши ва методикалари келтирилган.

**Калит сузлар:** модель, тукислик, силует, улчам.

Ҳомиладор аёллар кийимини лойихалаш бугунги кунда жуда мухим ва шу билан бир қаторда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу масалани факатгина кийим лойихалашнинг индивидуал ёндашувида амалга ошириш мумкин. Бунинг кўриниши шундан иборатки, ҳомиладорлик пайтида аёлларнинг қадди қомат белгилари (16-18 дан то 38-40 ҳафталиkkача) ўзгаришларга юз тутади. Бунда ҳар бир алоҳида қомат учун ушбу ўзгаришлар индивидуалдир. Типавий лойихалашда ҳомиланинг турли муддатларида қомат параметрларини ўзгаришини олдиндан аниқлашнинг иложи йўқ, демак конструкциясини ҳисоблаш учун тўла тўқис ёпишиб турадиган қўшимчалардан фойдаланиш лозим.

Ҳомиладор аёллар конструкциясининг чизмасини чизаётганда ҳисоблаш учун дастлабки маълумот тариқасида аёл қомати ўлчамлари ва қўшимчалар қабул қилинади. Ўтказилган антропологик ўлчам белгиларининг вақт мобайнида ўзгариш динамика тажрибаларидан кўриниб турибдики, ҳомиладор аёл қомати 18 ҳафтадан бошлаб ҳар ҳафтада жуда сезиларли кескин даражада ўзгариб тураркан. Мазкур ишдаги тадқиқотлар икки босқичда амалга оширилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида ҳомиладорликнинг турли муддатларидағи аёллар қомати параметрлари ўзгариш ўтказилган ва ҳомиладорлик даврида елкали кийимни конструкциялаш учун зарур бўлган барча ўлчов белгилари ўсишдаги боғлиқлик аниқланган. Иккинчи босқичида ҳомиладорликнинг ҳар хил даврида ўлчов белгилари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, тўқислик учун бериладиган қўшимчаларнинг оптимал катталиги ҳисобланган.

Аёллар қомати тадқиқоти натижасида ҳомиладорлик муддатида ўлчов белгилари ҳар хил интенсивликда ўзгариши маълум бўлган. Бу тадқиқотлар натижасидан фойдаланиб ҳомиладорликни барча даврини шартли равишда З та қисмга бўлиш имконини берди: биринчи давр 0 дан 16 ҳафталиkkача, бу даврда асосий ўлчов белгиларисиз сезилмас ва аста секинлик билан ўсиб боради; учинчи

давр 28 дан то 40 хафталиккача, бу даврда ўлчов белгиларининг жадаллик билан ўсиб бориши ва максимал ўсиш таснифланади.

### Ҳомиладорликнинг ҳар ойдаги ўртача ўлчов белгилари

Ўлчов белгилари	Ҳомиладорлик даврида ўсиши катталиги см			
	Ҳамма ой учун 16-40	16 дан 28 хафтагача	28 дан 36 хафтагача	36 дан 40 хафтагача
1	2	3	4	5
C <sub>ГІ</sub>	4,1	0,3	1,9	1,9
C <sub>ГІІ</sub>	4,5	0,3	2,1	2,1
1	2	3	4	5
C <sub>ГІІІ</sub>	4,8	0,2	2,1	2,5
C <sub>ГІІІ</sub>	5,3	0,0	1,4	3,9
C <sub>Т</sub>	11,7	0,5	4,6	6,5
C <sub>Б</sub>	9,7	0,2	3,4	6,0
B <sub>Ж</sub>	6,5	0,2	2,9	3,3
Ш <sub>Г</sub>	1,7	0,0	0,4	1,3
Ш <sub>С</sub>	1,8	0,0	0,5	1,3
Д <sub>ТПІІ</sub>	2,3	0,0	1,1	1,2
Д <sub>ТСІІ</sub>	0,7	0,0	0,3	0,4
O <sub>П</sub>	2,2	0,0	0,8	1,4

Ҳомиладор аёллар кийимин барча муддатлари учун бериладиган қўшимчалар миқдорининг қийматлари

Ўл чов белгила ри	Ўлчов белгиларин и ўсиш катталиклар и Δ <sub>18-40</sub> .см	Кў шимча лар номи	Кийим ёпишганлигига қараб бериладиган қўшимча см		Ҳомиладорлик нинг бутун ой давоми учун бериладиган қўшимча	
			Ни м ёпишган	Кенгайт ирил ган	min	ma x
C <sub>ГІІІ</sub>	4,8	Пг	3,0- 4,0	6,0-7,0	8,0- 9,0	11, 0-12,0
Ст	11,7	Пт	2,0- 3,0	4,0-5,0	13,5 -14,5	15, 5-16,5
Сб	9,7	П б	1,0- 1,5	3,0-4,0	10,5 -11	12, 5-13,5
Дтс <sub>1</sub>	0,7	П дтс	0,5	0,5	1,2	1,2
Шг	1,7	П шп	0- 0,5	1,1-1,5	1,7- 2,2	2,8- 3,2

Шс	1,8	П шс	0,8- 1,2	1,7-2,0	2,6- 3,0	3,5- 3,8
Оп	2,2	П ог	6,0- 7,0	8,0-9,0	8,0- 9,0	10, 0-11

1-вариант. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврида бўлган аёл кийимни барча даврига буюртиради. Бу холатда ўлчов белгилари ўлчамлари олинганда оддий холдаги холат деб қабул қилинади ва конструкторнинг асосий вазифаси ҳомиладорликнинг барча даврида ўлчов белгилари максимал қийматтагача ўсишини аввалдан кўра билиши керак бўлади. Демак, ўлчов белгилари қўшимчаси тананинг асосий белгилари бўйича ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдан танланиши керак.

Конструкцияга киргизиладиган қўшимча ҳудди типавий қўшимчаларда тавсия қилинган йиғиндиек ҳисобланиши ва ўлчов белгисига ўсиш катталиги ҳомиладорликнинг барча даврига муюфик бўлиши керак:

$$\Pi = \Pi_{\text{тип}} + \Delta_{18-40}$$

бу ерда:  $\Pi$  - ҳомиладор аёллар учун қўшимча катталиги;  $\Pi_{\text{тип}}$  – типавий қўшимча катталиги;  $\Delta_{18-40}$  – ҳомиладорликнинг 18 дан то 40 хафталиккача бўлган даврдаги ўлчов белгиси ўсиш катталиги.

Таклиф қилинган ҳомиладорликнинг охирги муддатидаги ёпишиб туришнинг зич ва эркин даражаси учун тўла тўкис ёпишиб турувчи қўшимчалар катталиги 2 – жадвалда келтирилган.

2-вариант. Ҳомиладорликнинг ҳар қандай катта муддатида бўлган аёллар буюмни муддатнинг охiri ойгача буюртма берадилар.

Бу холат конструктор (бичиқчи) ҳомиладор аёлнинг ҳақиқий муддатидаги ўлчов белгиларидан ташқари, уларни кейинчалик ўсишини ҳам инобатга олган ҳолда, ҳомиладорликнинг кейинги муддатларида кийимни ёпишиб туриш даражасини етарлича таъминловчи қўшимча катталигини танлашлари керак.

#### Мюллер и сын методикаси

Ҳомиладор аёллар конструкциясини яратишда 3 та методика танлаб олинди. Ушбу методикалар “Мюллер и сын”, “ЦНИИШП” ва “ЕМКО СЭВ”.

“Мюллер и сын” методикаси ўлчов белгиларининг


#### Характеристикаси

№	Ўлчов белгиларини номланиши	Шрат ли белгилар	Қиймати, см
1	2	3	4
1.	Бўй	P	164
2.	Кўқрак айланаси	O <sub>r</sub>	96
3.	Бел айланаси	O <sub>t</sub>	76.6
4.	Букса айланаси	O <sub>b</sub>	104

5.	Қўл узунлик	$\Delta_p$	54
6.	Ўмиз чуқурлиги	$\Gamma_{pr}$	20
7.	Орт бел узунлиги	$\Delta_{sp}$	41
8.	Букса узунлиги	$B_6$	63
9.	Буйим узунлиги	$\Delta_i$	100
10.	Орт бўйин узунлиги	$\Delta_{gc}$	6,8
.			
11.	Кўкрак узунлиги орт бўйин ўмиз ҳисобсиз	$B_{rii}$	27,5
.			
12.	Олд бел узунлиги орт бўйин ўмиз ҳисобсиз	$\Delta_{tpii}$	45
.			
13.	Орт елка кенглиги	$W_c$	16,5
.			
14.	Ўмиз кенглиги	$W_{pr}$	13.8
15.	Кўкрак кенглиги	$W_r$	17

**Конструктив участкалар бўйича қўшимчалар**

№	Кўшимчаларни номланиши	Шратли белгилар	Киймати, см
1.	Ўмиз чуқурлигига қўшимча	$\Pi_{pr}$	1-1,5
2.	Орт бўлак кенглигига қўшимча	$\Pi_{wc}$	0,5-1
3.	Ўмиз кенглигига қўшимча	$\Pi_{wpr}$	1,5-2
4.	Кўкрак кенглигига қўшимча	$\Pi_{wr}$	1,5



11-расм. «Мюллер и сын» методикаси бўйича ҳомиладор аёллар асос конструкцияси чизмаси

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Гриншпан И.Я. «Конструирование мужской верхней одежды по индивидуальным заказам населения». М. Легпищпром 1982г., 46-49, 50-56, 62-82-85 стр.
2. Фиш Р.П. «Конструирование мужской одежды на фигури с отклонениями» М.Легкаяиндустрия. 1978г., 66-69, 72-78, 115-118 стр.
3. Йе.А.Янчевская «Аёллар уст кийимини конструксиялаш». Тошкент. «О'қитувчи». 1998й. 30-37, 86-87, 158 бет.
4. Коблякова Е.Б. “Основы конструирования одежды”, Москва «Легкое индустрия”, 1980 г.,100-112 стр.
5. Н.И.Гурянова, В.Н.Зуткова «Конструкование одежды” Москва «Легкое индустрия”, 1974 г., 80-92 стр.
6. <http://www.maternitay.ru>